

ИМЗО ТҮПЛАНЯПТИ

О'zLiDeP Ёзёвон туман Кенгаши қошида фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларида имзо түплаш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Навбатдаги тадбир Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтди. Йиғилишда О'zLiDeP Ёзёвон туман Кенгаши аппарат раҳбари Диёрбек Давлатов томонидан жорий йил 12 май куни бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг XIV навбатдаги мажлисида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига О'zLiDePдан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни түплаш жараёни ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Худудий кенгашлардаги партия вакиллари томонидан имзо варақаларини тўғри тўлдирилиши борасида тушунчалар берилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни түплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссиясининг Низоми асосида тартибга солинади. Сайловчиларнинг имзосини түплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо түплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилмоқда.

2023-05-24 13:35:30